

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**QIYOSIY
ADABIYOTSHUNOSLIK:
O‘TMISHI, BUGUNI,
ISTIQBOLLARI**



**2020-yil
6-noyabr**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7-fevraldagi 56-f - sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida 2020-yilda xalqaro va Respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi”da belgilangan tadbirlar hamda O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2020-yil 13-fevraldagi “Vazirlik tizimidagi oliy ta’lim va ilmiy - tadqiqot muassasalarida 2020 yilda o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi №116-sonli buyrug‘ida belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasini tomonidan 2020 - yil 6 - noyabrda “QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI” mavzusida Respublika miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya o‘tkazilishi rejalashtirilgan.

Konferensiyaga quyidagi yo‘nalishlar bo‘yicha maqolalar qabul qilinadi:

- ❖ Qiyosiy adabiyotshunoslikning nazariy va uslubiy muammolari;
- ❖ Qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik masalalari;
- ❖ O‘zbek adabiyoti jahon adabiyoti kontekstida;
- ❖ O‘zbek va jahon adabiy aloqalari;
- ❖ Tarjimashunoslik va tarjimachilik masalalari;
- ❖ Tarjima - komparativistika obyekti sifatida;
- ❖ Tarjima tanqidining istiqbollari.

Konferensiyada ishtirok etish shakli: Onlayn konferensiya ZOOM dasturida o‘tkaziladi. Konferensiyaga yaqin ishtirokchilarga onlayn konferensiyaga ulanish havolasi yuboriladi. Konferensiya materiallarining elektron bazasi yaratiladi.

**Diqqat: Tashkiliy qo‘mita maqola va tezislarni tahrir qilish huquqiga ega.
Konferensiya ishchi tillari:
o‘zbek, rus, ingliz tillari.**

TAQDIM ETILADIGAN MAQOLA VA TEZISLARGA QO'YILADIGAN TEXNIK TALABLAR:

1. Ma'ruzalar o'zbek va rus (ingliz) tillarida yozilishi mumkin;
2. Maqolaning umumiy hajmi 4 betdan kam bo'lmasligi tavsiya etiladi;
3. Matn formati Microsoft Word, 1,5 intervalda Times New Roman 14 pt, matn formatining chap tomoni – 2.5 sm, o'ng tomoni – 1.5 sm bo'lishi kerak;
4. Maqola sarlavhasi o'rtada, bosh harf bilan to'q shriftda beriladi;
5. Keyingi qatorning o'ng tomonida muallif haqida quyidagi ma'lumotlar ko'rsatilishi lozim: familiyasi, ismi, otasining ismi, ilmiy darajasi, unvoni, ish joyi (qisqartirishlarsiz oliy o'quv yurti nomi), telefon raqami va elektron pochta manzili;
6. Annotatsiya va kalit so'zlar ikki tilda – o'zbek, rus tillarida yoziladi. Annotatsiya hajmi masofalarsiz 500 belgidan oshmasligi kerak. Kalit so'zlar – 5-6 ta so'z;
7. Adabiyotlardan olingan iqtiboslarning manbai sarlavha ostida ko'rsatiladi;
8. Qabul qilingan maqolalar konferensiya materiallarining elektron to'plami sifatida nashr qilinadi;
9. Konferensiya mavzusiga, ilmiy me'yorlarga va texnik talablarga javob bermaydigan maqolalar qabul qilinmaydi;
10. Maqolaning mazmuniga muallifning o'zi javobgar hisoblanadi.

Konferensiya maqolalarining elektron to'plamini mualliflarga yetkazish 2020-yil noyabr oyiga mo'ljallangan.

Nashr bepul

Konferensiya 2020-yil 6-noyabr soat 10-00 da boshlanadi.

Tashkiliy qo'mitaning manzili: Toshkent shahri, Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy, ToshDO'TAU binosi, 3-qavat, 313-xona. Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrası

**Ma'lumot uchun telefonlar: +99890 943-43-80 (Bahodir Xolikov),
+99899 666-77-33 (Mahmadiyor Asadov), +99897 362-82-44 (Zebo Sabirova)**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI

Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami

2020-yil 6-noyabr



**“FIRDAVS-SHOH” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020**

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73
К 37

Ushbu to'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2020-yil 24-dagi 4-sonli yig'ilishi qaroriga asosan nashriga tavsiya etilgan.

Taqrizchilar:

- Bahodir Karimov** – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiyi
Xurshid Do'stmuhammad – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati

To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldirlar.

Tahrir hay'ati

Shuhrat Sirojiddinov	f.f.d., professor, ToshDO'TAU rektori
Akmal Saidov	O'zR FA akademigi, yu.f.d., professor
Muhammadjon Xolbekov	f.f.d., professor (SamDCHTI)
Uzoq Jo'raqulov	f.f.d., professor (ToshDO'TAU)
Ulug'bek Hamdamov	f.f.d. (ToshDO'TAU)
Gulnoz Xalliyeva	f.f.d., professor (O'zDJTU)
Qosimboy Ma'murov	f.f.n., professor (ToshDO'TAU)
Dilnavoz Yusupova	f.f.d., dotsent (ToshDO'TAU).
Bahodir Xoliqov	f.f.f.d., ToshDO'TAU (<i>mas'ul muharrir</i>)
Mahmadiyor Asadov	ToshDO'TAU tayanch doktoranti (<i>mas'ul kotib</i>)
Zebo Sabirova	ToshDO'TAU o'qituvchisi (<i>mas'ul kotib</i>)

Qiyosiy adabiyotshunoslik: o'tmishi, buguni, istiqbollari (matn) Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari тўплами. – Т.: “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020. – 284 bet.

ISBN 978-9943-6695-8-1

Mazkur anjuman materiallariga filologiyaning bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va komparativistika masalalariga oid ilmiy maqola va tezislar kiritilgan. To'plamdan o'rin olgan maqolalarda qiyosiy adabiyotshunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, o'zbek mumtoz adabiyoti, qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik, o'zbek adabiyoti jahon badiiy tafakkuri kontekstida o'rganilishi, o'zbek va jahon adabiy aloqalari, tarjimashunoslik va tarjima tanqidi kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslar bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to'plamda tartiblangan.

To'plam adabiyotshunoslik, jumladan, qiyosiy adabiyotshunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo'ljallangan, shuningdek, “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda oliy o'quv yurti talabalari uchun ham qo'shimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73

ISBN 978-9943-6695-8-1

© “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020

*Замин отли бир Сайёрани
Икки бўлак қилиб сўйдилар.
Ғарб дедилар битта порани,
Бир порани Шарқ деб қўйдилар.*

*Тақдир яна минг парча этди.
Эл-элатлар ва динлар аро –
Дона-дона сочилиб кетди
Анор каби кесилган дунё... [2:180]*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль, Тошкент ш.
2. Воҳидов Э. Куй авжида узилмасин тор. Шеърлар ва дoston. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991.
3. Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. Ёз ҳарорати. Тошкент. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2016.
4. Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Қиш таровати. Тошкент. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2016.
5. Lessing, G.E. Gesammelte Werke. II-Band. Nathan der Weise. Aufbau-Verlag Berlin. 1954
6. Лессинг Г.Э. Донишманд Натан. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.

**БАДИЙ “УЧЛИК” ТИПОЛОГИЯСИНИНГ
ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Комилжон ҲАМРАЕВ,
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети*

Аннотация: Мақолада бадий “учлик” қонуниятининг типологик хусусиятлари қиёсий таҳлил этилган. Фольклоршунослик, адабиёт тарихи ва замонавий адабиётишунослик соҳаларида бадий “учлик” ҳақидаги назарий қарашлар умумлаштирилиб хулосалар чиқарилган. Халқ оғзаки ижоди жанрлари жаҳон классик асарлари “Қутадғу билик” ва “Илоҳий комедия” асарларидаги “учлик” хусусида мухтасар фикр юритилган. Бадий “учлик” типологиясига доир илмий қарашларнинг тарихий ва назарий хусусиятлари қиёсий аспектда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: типология, асар композицияси, бадий “учлик”, халқ оғзаки ижоди, эртак жанри, уч ака-ука образи.

Аннотация: В статье проведен сравнительный анализ типологических особенностей закономерности художественной “троицы”. Обобщены теоретические взгляды и сделаны выводы о художественной “троице” в области фольклористики, истории литературы и современного литературоведения. Описаны свойства “троицы” таких мировых произведений как “Қутадғу билик” и “Божественная комедия”, а также в жанрах устного народного творчества. В сравнительном аспекте анализируются историко-теоретические особенности научных взглядов на типологию художественной “троицы”.

Ключевые слова: типология, композиция произведения, художественная “троица”, устное народное творчество, жанр сказки, образ трех братьев.

Ижодий жараёнда муаллиф бадий асар композициясининг поэтик бутунлигини ташкил этишда “учлик” принципига таянади. Тўғрироғи, мазкур тизим поэтик ижоднинг

қонуниятини маҳсули ўлароқ бадиий асар композициясида ниҳон бўлади. Яъни, ҳар бир бадиий асарнинг семантик структурасида поэтик учлик тизими ишлайди.

Агар халқ оғзаки ижоди бадиий адабиёт, адабиётшунослик соҳаларида ва мўътабар манбалардаги бадиий учликнинг турфа хил поэтик талқинига назар ташланса мазкур поэтик схеманинг моҳияти янада ойдинлашади. Ушбу рақамнинг сир-синоати нафақат поэтик санъатда намоён бўлиши, балки ўзга соҳаларда ҳам муҳим роль ўйнаши ҳисобга олинса, ҳар бир ҳодисага хос бадиий композициянинг поэтик қонуниятини билан чамбарчас боғлиқлиги англашилади. Ҳар қандай тугал, бутун, мукамал ҳодисанинг композицияси учлик принципи асосига қурилади. Маълумки, триада Ҳегелнинг фалсафий системасида диалектик таракқиётини тавсифлаш учун қўлланган ривожланиш схемаси (тезис, антитезис, синтез)ни ифодалайди. Донишманд Пифагор фикрича, “триада – ҳавоий, самовий аломат”. [3;214]

Умуман, олганда эса, триада бўлиб, бўлинмас уч қисмдан иборат бўлган бир бутун яхлит нарсани англатади.

Қизиғи шундаки, структура сўзининг ўзак асоси “тр” бўлиб, у қадимги ҳинд тилидаги три (уч) сўзига бориб туташади.

Бундан кўринадики, ҳар қандай ҳодиса бутунлик ҳосил қилиши учун, албатта, учликка эришмоғи зарур: бир (у бу ерда бутун бир эмас, балки учликнинг илк ҳади) пайдо бўлган ва бирикишга тутинган ҳодисанинг бир бўлаги, икки бирга қарши турган, у билан алоқага киришга чоғланган қисм, фақат уч вужудга келиб, бир ва икки муайян алоқага киришгандагина ҳодиса бутунлик, яъни структура касб этади. Бундай алоқадан муқаррар ўзаро таъсир туғилади. Демак, структурага эга бўлиш ҳодиса бутунликка эришди, деганидир. Айни хусусиятларига кўра, учлик тузилмаси бадиий композиция сатҳида тезис, антитезис, синтез бутунлик ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Ҳатто, “адабиётшуносликда бадиий асар “шакл” ва “мазмун” тарзида икки асосга эмас, уч асосга қурилади, деган қараш ҳам мавжуд. “Бундай қараш куртаклари ҳам антик даврларга бориб тақалса-да, уни илмий жиҳатдан асослаган ҳолда фанга А.А.Потебня олиб кирган, кейинчалик унинг шогирдлари, давомчилари томонидан ривожлантирилган. Унга кўра, санъат асарининг уч жиҳати бор: ташқи шакл, ички шакл ва мазмун. Адабиётга татбиқан олинганда бу мос равишда сўз, образ ва ғоя демакдир”[7;135].

Маълум бўладики, уч сони шунчаки кўпликни билдирмай бадиий ижод ва унинг поэтик қонуниятини талаби ўлароқ, санъат асарининг композициясида, поэтик уйғунлик ҳосил қилишида муҳим саналади. Айниқса, халқ оғзаки ижодида бадиий учликнинг поэтик талқини ранг-барангдир. Уч олам соҳиби, уч кеча ва уч кундуз, уч йўл, уч образ, уч синов, уч жумбоқ, уч жанг қабилар фольклорга оид асарлар композициясида бадиий уйғунликни таъминлаш билан бирга поэтик форма функциясини бажаради. Ҳар қандай назарий муаммо ечимининг бир қирраси халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт поэтик хусусиятлари билан ойдинлашади. Яъни, тарихий поэтика ва назарий поэтика илмларнинг синтезлашув жараёнлари мазкур соҳаларнинг поэтик бутунлигида зоҳир бўлади. Шу маънода бадиий учлик принципининг классик асарлар ва фольклор намуналаридаги поэтик талқинини ўрганиш долзарб саналади. Дейлик, халқ эртақларининг композицияси бадиий учлик принципи асосига қурилади. Хусусан, уч йўл ва уч образ хронотопига таяниб, воқеликни баён этиш аксарият эртақларда етакчилик қилади. Шу сабабли, фольклоршуносликка назар ташланса, ушбу бадиий учликнинг олимлар томонидан турфа хил талқин этилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, фольклоршунос Маматқул Жўраев рус, европа олимларининг илмий-назарий хулосаларига таяниб, шундай ёзади: “Анъанавий уч йўл мотивининг таҳлили бир мифологик макон талқинида уч олам (Кўк, Замин, Ер ости) ҳеч қачон бир-бирига қиёсланмаслигини кўрсатади. Чунки эртақларда ҳамиша икки йўл – икки олам қиёсланади. “Булбулигўё” эртагида зумрад дарахт баргини ўғирлаб кетган қушни излаб сафарга отланган шаҳзодаларнинг олдидан уч йўл чиқади. Катта ака “борса келар”га,

ўртанчаси “борса хатар”га, кенжа эса “борса келмас”га жўнайди. Шунда ўртанчаси: “Бу “борса хатар” чаток, акам билан биргалашиб, гаплашиб кетсам бўлмайдами”, – деб акасининг кетидан етиб олибди”. [6;44] Оламнинг дуал тузилиши акс этган бу мотивнинг характерли хусусияти – икки оламнинг ҳаёт, ўлим, омад-омадсизлик йўналишида қиёсланишидир”. [2;60] Кўринадики, олим дуалистик дунёқарашга асосланиб ўзининг прогматик фикр мулоҳазаларини илгари суради. Яъни, анъанавий учликдан муддао иккиликни ифодалаш, деган қараш устуворлик қилади. Бизнингча, бундай дунёқараш эртақлардаги анъанавий учлик қонуниятларини поэтик талқин этишга, унинг композицион хусусиятларини тушунтиришга ожизлик қилади. Чунки, бадий учлик принципи моҳиятида контраст тушунчаларини ифодалашдан кўра, композицион бутунликка хос жиҳатлар етакчидир. Яна бир фольклоршунос Шомирза Турдимовнинг бу борадаги илмий қарашлари кишига фикр уйғотиш билан бирга мулоҳаза қилишга чорлайди. Олим Шарқ мумтоз мутафаккирларининг назарий қарашларидан таъсирланиб “Чўлоқ бўри” эртагидаги уч образ хронотопи ҳақида шундай ёзади: “Уч ака-ука инсоннинг рухий олами, онгида кечувчи мураккаб камолот босқичларининг рамзий тимсолий ифодаси экан, бу ҳолатда “Подшо ким?” деб қўйилган саволга жавоб бериш имконига эгамиз.

Подшо – ота: тан, жон, рух бирлигидан бино бўлган инсоннинг тимсолий образидир. Подшо – бу чинакам ШАХСга айланиш имконига эга индивиднинг рамзи”. [4;27-28] Ҳақиқатан ҳам фольклоршунос бадий учлик принципининг поэтик сатҳида бутун ва қисм муносабати зоҳир бўлади, деган қарашни ўртага қўяди. Бундай хулоса янгилиги билан ўзига хос бўлсада, уч йўл ва уч образнинг ўзаро уйғунлигини кўрсатишда ожизлик қилади.

Умуман олганда, эртақ энг қадимги халқ оғзаки жанрлардан бўлиб, унда уч йўл ва уч образ хронотопи ўзаро яхлитланиб, асар композициясининг бадий ритмини ҳосил қилишда таянч форма саналади. Ушбу тизим шахмат ўйинини эсга солади. Шахмат тахтасида ҳам “уч дона уч йўл” комбинациясини белгилаб, қолган доналарни ўз ортидан эргаштиради. Яъни, фил, от, тўра доналари шахмат тахтасида уч йўл комбинациясини ташкил этади. Эртақлардаги “Борса келар” – фил, “Борса хатар” – от, “Борса келмас” – тўра йўллари қиёсий аспектда кузатилса муштарак жиҳатлари кўзга ташланади. Уларнинг ҳар бирини ўз йўналиши бўлсада, ягона мақсад сари интилиши муайян композицион бутунлик структурасига асос бўлади. Айни жиҳатлари билан ҳар қандай ҳодисанинг композицион бутунлик уч рақами типологик маъно касб этади. Бундан ташқари, учлик, кўплик, нотугаллик ва қадимда рақамларнинг интиҳоси каби тушунчаларни ҳам ифодалаган. “Демак, аждодларимизнинг миқдор ҳақидаги қадимий тушунчаси “бир, икки, кўп”, “бир, икки, уч” тарзида намоён бўлган. Уч рақами санокдаги охири рақам бўлгани учун “кўп” тушунчасини ўзида мужассамлаштирган эди. Шу боис, қадимги Мисрликларнинг миҳхат усулида битилган ёдгорликларида “кўп” тушунчаси уч иероглиф, яъни “III” белгиси билан ифодаланган экан”. [1;26]

Айрим матн структурасидан гап ёки сўз тушуриб қолдирилса ва сўнги жумланинг давомийлигига ишора қилинса уч нуқта белгисининг ишлатилиши, ушбу рақамнинг нотугаллик маъносини ифодалаш ҳам ойдинлашади. Аслида, уч сонининг бу каби маъно қирралари бутунликка дахлдор бўлиб, унинг моҳиятига дарс кетганлигидан далолат беради. Ҳар қандай ҳодисадаги тартиб ва тартибсизлик ҳолати моҳиятида учлик принципи воқеъ бўлади. Халқимиз орасида “Ер қондаси уч, учдан кейин пуч” нақли ҳам юқоридаги қарашларга моҳиятан мос келади. “Ҳар қандай даврийликнинг дастлабки кичик халқаси учликда ёпилиб, ечилади. Учлик бир якуний бўғинни ташкил этади”. [4;62] Бошқача айтганда, хаоснинг космосга космоснинг хаосга эврилиши ва бу жараённинг ялпи гармонияси моҳиятида учлик принципи воқеъ бўлади. Ўз навбатида санъаткор ижодий жараёнда ўзининг бадий асарларини бунёд этишда савқи табиийлик маҳсули ўлароқ учлик принципига амал қилади. Агар жаҳон классиклари ижодига мурожаат

килинса, юқоридаги қарашлар янада ойдинлашади. Шарқ алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, гарб мутафаккирлари Данте Алигъери, Уильям Шекспир асарларида айни қонуниятнинг принципи бўртиб кўринади. Дейлик, Юсуф Хос Ҳожиб асари композицияси Кунтуғди ва Ойтўлди образларининг асосига қурилади. Бу икки образнинг бадиий портрети тасвирида учлик концепцияси асар қисмларини ягона фокусга жамлашга хизмат қилади. Ойтўлди уч нарсанинг тўхтаб турмаслиги ҳақида сўзлайди. Улар: оқар сув, юриқ тил, қут-давлат дея уқтиради. Кунтуғдининг портрети эса қуйидагича чизилади: “Элиг уч оёқли курсида ўтирар, унинг кўлида ўткир пичок, ўнг томонида шакар, сўл томонида заҳар турган эди”. [5.38-39] Бундай учлик принципи “Қутағу билиг” композициясида поэтик бутунлик ҳосил қилиш билан бирга асар қисмларини пайвандлаш функциясини бажаради.

Дантенинг “Илоҳий комидея”сида ҳам мисралар сонидан тортиб образлар тизими асар қисмларигача учлик қонуниятига амал қилинган. Ушбу учлик концепцияси асар композициясини ташкил этишда ёзувчининг етакчи принципига айланган.

Демак, учлик қонунияти халқ оғзаки ижоди намуналари композициясида поэтик қолип сифатида намоён бўлса, классик асарларда муаллифнинг бадиий маҳсули ўлароқ ниҳон бўлади. Табиийки, асл адабиётшуносликнинг илмий-назарий хулосалари бадиий асар матнига таянади. Яъни, адабиётшуносликнинг илмий-бадиий нуқтаи назаридан поэтик ижоднинг қонуниятларидан озиқланади. Шу маънода доно халқимизнинг “Сопини ўзидан чиқар” ибораси топиб айтилганлигига амин бўламиз. Зеро, бугунги ўзбек адабиётшунослигининг етакчи тенденцияларидан бири ҳам бадиий матнга таяниб илмий-назарий хулоса чиқаришдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бородин А.И. Число и мистика (Мели С. “Ўткан кунлар” структурасида учлик принципи). – Донецк, 1975. – С.26.
2. Жўраев М. Миф, маросим ва эртақ. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2014. – Б.60.
3. Мели С. “Ўткан кунлар” структурасида учлик принципи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.214.
4. Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.27-28, 62.
5. Тўхлиев Б. Қутағу билиг. –Тошкент: БАЁЗ, 2014. – Б.28-29.
6. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 1981. – Б.44.
7. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.:Академнашр, 2018. – Б.135.

ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИДАГИ АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ

Дилфуза РАСУЛМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада, ҳозирги кундаги адабиётшунослик назариясида муҳим мавзулардан бири бўлган қиёсий адабиётшунослик масаласи ўрганиб чиқилган. Қиёсий адабиётшуносликдаги таҳлил тамойилларига асосланган ҳолда ўзбек адаби Алл Жамолнинг “Меҳрибонлар” асари ва турк ёзувчиси Аҳмад Лутфий Қозончининг “Бир виждон уйғонур” асарлари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Қиёсий, контраст, замонавий, компаративистик, “Меҳрибонлар” асари, “Бир виждон уйғонур” романи, қаҳрамон, тарихийлик ва замонавийлик.

Дунё халқлари адабиётида нодир асарлар гарчи аслиятдан мутолаа қилинса-да, уларни китобхон эҳтиёжига мос ҳолда етказиб бериш усулларини излаш ҳам кўп асрлик